

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР БИЛАН ХАМКОРЛИГИ

*Норқизилов Илхом Шоймурод ўгли
ИИВ Академияси 316-гуруҳ курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг мамурий худудуда ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ҳуқуқбузарликларни бевосита амалга оширувчи органлар ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Калит сўзлар: профилактика инспекторининг ҳамкорликдаги фаолияти, жамоат тузилмалари, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш.

Annotation: This article describes the rate of recidivism and its essence, the rate of the concept of recidivism, the causes of recidivism, factors and their prevention.

Key words: crime, concept of recidivism, factors and prevention of recidivism.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа нормативҳужжатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилган вазифаларни сифатли бажарилишини таъминлашда бошқа давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, фуқаролик жамиятининг институтлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорлик қилишлари белгиланган. Жумладан, 2016 йил 16-сентябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги белгилаб берилди.

Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда уларнинг энг асосий ҳамкорлик субъектлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидир. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда 2014 йил 14 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 12ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган қуйдаги давлат органлари билан ҳамкорликни амалга оширади:

- ички ишлар органлари;
- прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президент давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- адлия органлари;
- давлат божхона хизмати органлари;
- давлат солиқ хизмати органлари;
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари;
- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Прокуратура органлари фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар, сунъий тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича ўзаро яқдиллик асосида амалга ошириладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Давлат хавфсизлик хизмати органлари фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек, чегара ва тоғли ҳудудларга туташ бўлган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқларда аҳоли ва чегара хавфсизлигини таъминлашда яқдиллик билан чоратадбирларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президент давлат хавфсизлик хизмати фаолияти тушунчаси.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукукбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги қонунининг 12¹-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президент давлат хавфсизлик хизмати органларининг хукукбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари берилган, шу жумладан хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва ундаиштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиши кўрсатиб ўтилган. Хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хукукбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларини аниқлайди, бартараф этади, кўриқланувчи шахсларнинг манфаатларини, хавфсизлиги ва дахлсизлигига қарши хукукбузарликлари содир этилишига мойил бўлган шахслар ҳисобини юритади.

Хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг “Хукукбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги қонунининг 122-моддасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг хукукбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари берилган, шу жумладан хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва ундаиштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиши кўрсатиб ўтилган. Ундан ташқари хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хукукбузарликлар содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларини аниқлайди, бартараф этади, фуқоровий ва ҳизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига фуқоролар ва юридик шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни тامينлайди.

Хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти тушунчаси: Ўзбекистон Республикасининг “Хукукбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги қонунининг 123-моддасида

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги органларининг хукукбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари берилган, шу жумладан хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва ундаиштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиши кўрсатиб ўтилган.

Хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Адлия органлари фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг «Хукукбузарликлар профилактикаси туғрисида»ги қонунининг 13-моддасида адлия органларининг хукукбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари, шу жумладан хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиши кўрсатиб ўтилган. Ички ишлар органларининг адлия органлари ходимлари билан

хамкорлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқийонгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот буйича фаолиятни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижросини таъминлашда ва ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишда ўз аксини топади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Солиқ хизмати органлари фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонунида солиқ органлари давлат солиқ сийёсатини амалга ошириш, солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш, пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, соҳага доир аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш ҳамдасолиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, маъмурий ҳудудда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ундиришда фирибгарлик жиноятларининг содир этилишини олдини олишда ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириши ва бошқа вазифаларни амалга ошириши белгилаб қуйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида эса Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Ушбу моддага мувофиқ Давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг жуғрофик жойлашувлари бўйича таҳлил қилсак, республикамиз чегарасига туташиб кетган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқларда профилактика инспекторлари юклатилган вазифаларни амалга оширишда божхона органлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Божхона хизмати органлари фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг

“Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Божхона кодекси тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши

устидан назоратни амалга ошириш, божхона назоратидан ўтказилиши шарт булган товарлар ва транспорт воситаларининг шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш; божхона чегараси ва унга туташ худудларда ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа салбий ходисаларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни бартараф қилиш; божхона чегараси ва унга туташ худудларда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик туғрисидаги ншларни юритиш ва хал этиш, шунингдек содир этилган жиноятларни “иссик изи”дан очши, шу мақсадла суриштирув, тезкорқидирув тадбирларини олиб бориш, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишда ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган ижтимоийҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси.

Ўзбекистан Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги қонунининг 14-моддасида Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари, хусусан :

уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ваунда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгилаб берилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг фаолияти тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси туғрисида”ги ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги қонунларида белгиланганидек, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳуқуқбузарликлар, хусусан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига қиради ҳамда бу борада бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда узлуксиз фаолият олиб боради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат соғлиқнисаклаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни саклаш муассасаларининг фаолияти тушунчаси. Ўзбекистан Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси туғрисида”ги қонунда давлат соғлиқни саклаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни саклаш муассасалари ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кириши белгиланиб, бу борадаги ваколатлари ҳамда бошқа давлаторганлари ва жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш қайд этилган.

Ички ишлар органлари билан давлат соғликии саклаш тизимини бошқариш органлари ва соғликни саклаш муассасалари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йуналишлари: биринчидан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; иккинчидан, сурункали алкоғолизм, гиёхвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморлар, рухий касаллар ва бошқа шу каби шахсларнинг мажбурий даволанишини таъмилаш; учинчидан, хаёт ва соғликка қарши қаратилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; тўртинчидан, ҳудудда содир этилган хавф ва соғликка қарши қаратилган жиноятларни ўз вақтида, «иссик изи»дан очишда ўз аксини топади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистан Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари фаолияти тушунчаси. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасида Ўзбекистан Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига қонунга мувофиқ бир қатор вазифалар юқлатилган бўлиб, уларни самарали амалга оширишда ушбу органларнинг ходимлари тегишли маъмурий ҳудуднинг Ички ишлар органлари билан доимий равишда ҳамкорликда хизмат олиб боришлари талаб этилади. Ушбу йоналиш бўйича ҳамкорлик табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, мазкур ҳуқуқбузарликларининг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни аниқлаш, уларни ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш, бундай шахсларнинг ҳисобини юритиш ва уларга иисбатаи профилактик тадбирларни ўтказишда ўз аксини топади.

Юқорида келтирилган субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик шакл, усуллари ва йўналишларининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, битирув ишининг мазкур параграфи доирасида Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлиги – амалдаги ҳонун ҳужжатларда кўрсатилган ваколатлари доирасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг омили бўлган ҳуқуқтартибот ва жамоат хавфсизлиги таъминлашда, ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳолда яқдил ҳамкорликни ташкил этиш, ўзаро келишиш,

мувофиқлаштирилган ва ташкилий жиҳатдан йўналтирилган ташқи фаолиятни ўз ичига оладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йўиндисидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ:

1. <https://lex.uz/uz/> (Normativ hujjatlar bazasi)
2. www.google.com (Butun jahon qidiruv tizimi)
3. <https://aniq.uz/uz> (yangiliklar)
4. <https://uz.wikipedia.org/> (Qidiruv resurslar ba'zasi)
5. <https://cyberleninka.ru/> (Elektron kutubxona)
6. <https://kun.uz/>(yangiliklar)